

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ХУШНАЗАРОВ ХАСАН ХОЛИКОВИЧ**

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗИ ЎЧОҚЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
МУЛЬТИПАРАМЕТРИК УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСОТИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хушназаров Хасан Холикович**

Қалқонсимон беzi ўчоқли касалликларини

мультипараметрик ультратовуш таъхисоти..... 3

**Хушназаров Хасан Холикович**

Мультипараметрическая ультразвуковая диагностика

очаговых заболеваний щитовидной железы..... 25

**Khushnazarov Khasan Kholikovich**

Multiparametric ultrasound

diagnostics of focal thyroid diseases..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ХУШНАЗАРОВ ХАСАН ХОЛИКОВИЧ**

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗИ ЎЧОҚЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
МУЛЬТИПАРАМЕТРИК УЛЬТРАТОВУШ ТАШХИСОТИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib957 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мамадалиева Яшнара Мамасолиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ганиев Абдуваз Абдулахатович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда эндокрин тизими касалликлари тарқалишининг кўпайиши қалқонсимон без патологиясига мутахассислар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...сўнги 30 йил ичида қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг учраш даражаси 4-9% дан 5-22% гача ошди, охирги 10 йил ичида эса қалқонсимон без саратони 2 баравар кўпайиб, саратон билан хасталанган беморларнинг 1% ўлимига сабаб бўлди»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда 2015 йилда қалқонсимон без саратони тарқалиши 100 минг кишига 3,9 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич ҳар 100 минг кишига 4,3 га ўсди. Ўчоқли ҳосилаларнинг малигнизациясида хавф омиллари ва тенденциясининг ахамияти юқори. Бугунги кунда ультратовуш текширувини сифат ва миқдор жиҳатидан такомиллаштириш, қалқонсимон без операцияларидан кейинги ва рецидивли жараёнларни аниқлашда долзарблигича қолмоқда. Нурли ва кимё терапевтик аралашувлар ва уларда учраши мумкин бўлган асоратларини мультипараметрик баҳолаш етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли қалқонсимон беzi ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини такомиллаштириш, ультратовуш текширувининг юқори инфор­мацион усулларини жорий этиш орқали қалқонсимон без касалликларини эрта ташхислаш сифатини ошириш замонавий клиник радиология соҳасининг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қалқонсимон беzi ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини такомиллаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қалқонсимон без ўчоқли касалликлари ва регионар лимфа тугунларидаги ўзгаришларни мультипараметрик ультратовуш ташхислаш тартибини, қалқонсимон без ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш текшируви, кулранг шка­лали эхография, доплерография ва ультратовуш эластографияси, компрессияли ва силжиш тўлқинли имкониятларини аниқлаштириш, қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликлари ташхисини аниқлаштиришда мультипараметрик ультратовуш текшируви алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларнинг асоратлари натижасида юзага келадиган патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти­та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига

---

<sup>1</sup> DeLellis R.A., Lloyd R.V., Hertz P.U., Eng C, eds. WHO Classification of tumours. pathology and genetics of tumours of endocrine organs. 3-rd ed. Lyon: IARC Press; 2014. 185p.

малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, қалқонсимон беши ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги пайтда, қалқонсимон беши ўчоқли касалликлари ташхисоти фан ва техниканинг жадал ривожланиши, асбоб-ускуналари функционалигининг ортиши туфайли доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Ультратовушнинг юқори ташхислаш имкониятларини қайд этган ҳолда, баъзи муаллифлар қалқонсимон без патологиясини ташхислашда скрининг тадқиқотлар усулини тавсия қилдилар (Паршин В.С., 1999; Сенча А.Н., 2015). Қалқонсимон безининг фаолияти атроф муҳит объектларидаги йод микдори, аҳолининг соғлом турмуш тарзи, турли касалликларнинг асоратлари, сифатли овқатланиш билан боғлиқлиги қатор муаллифларнинг ишларида келтирилган (Дедов И.М., 2018). Қалқонсимон бездаги ўзгаришларни аниқловчи ультратовуш семиотикасини тизимлаштириш бўйича олиб борилган ишларга ва радиологик тасвирни аниқлашнинг бошқа усулларида комплекс фойдаланишга қарамасдан бу ҳозирги вақтгача ҳал этилмаган долзарб муамолардан биридир.

Ўзбекистонда бугунги кунда қалқонсимон без ўчоқли касалликлари ҳамда уларнинг ташхис мезонлари борасида самарали ишлар бажарилган ва бажарилмоқда (Исмаилов С.И., 2016, 2019, 2021; Муратова Ш.Т., 2018, Ходжибекова Ю.М., 2022), бироқ, қалқонсимон без ўчоқли касалликларининг

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мультипараметрик ультратовуш текшируви етарлича ўрганилмаганлиги диссертация тадқиқотининг долзарблигини кўрсатади.

Сўнги йиллардаги адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, ультратовушли тасвирлашнинг стандарт усулларини мақсадли эластография ёрдамида ультратовуш сканерининг илғор техник имкониятлари билан бирга қўлланилиши қалқонсимон без ўчоқли касалликларини эрта ташхислашдаги «ютуғи» ҳисобланади. Шу муносабат билан тасвирлаш усулларини такомиллаштириш ташхислаш камчиликларини, шунингдек, асосиз ингичка игнали аспирацион биопсия (ИИАБ) ўтказишни сезиларли даражада камайтириши, ушбу йўналишда мақсадга мувофиқ тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг №000893-сон «Замонавий ультратовуш диагностика технологияларининг клиник тиббиётдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш» (2018-2022й) мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш текшируви натижаларини баҳолаш орқали қалқонсимон без саратонининг қиёсий ва аниқ ташхислаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қалқонсимон без ўчоқли касалликлари ва регионар лимфа тугунларидаги ўзгаришларни мультипараметрик ультратовуш ташхислаш тартибини такомиллаштириш;

қалқонсимон без ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш текшируви (кулранг шкалали эхография, доплерография ва ультратовуш эластографияси) маълумот бериш даражасини батафсил таҳлил қилиш;

қалқонсимон без ўчоқли касалликларини қиёсий ташхислашда эластография (компрессияли ва силжиш тўлқинли) имкониятларини аниқлаштириш;

қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликлари ташхисини аниқлаштиришда мультипараметрик ультратовуш текшируви алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2019 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали, МЧЖ «PARENTS HOLIDAY», МЧЖ «МЕДФАЙТЕМ» хусусий клиникаларида (Тошкент шаҳри) ва ТХКМРМ онкология ва УТТ курси кафедрасида даволанган ва кузатувда бўлган 120 нафар беморлар қалқонсимон без тугунли ҳосилаларини характерини аниқлаштириш мақсадида мультипараметри ультратовуш текшируви ўтказилган ҳамда назорат гуруҳи клиник жиҳатдан соғлом бўлган 30 нафар инсонлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қалқонсимон безнинг тугунли касалликлари бўлган беморларда В-режим, рангли доплер, энергетик доплер, компрессияли эластографияси ва силжиш тўлқинли

эластографиясидан фойдаланган ҳолда комплекс ва эхографик тадқиқотлар натижаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қалқонсимон беzi ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини такомиллаштиришда клиник, радиологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ультратовуш текширувининг илғор ва изчил технологияларини - тўқима гармоникаси ва доплерографияси комплексидаги 3Д режимларини қўллаш қалқонсимон без саратони касаллигини эрта ва аниқ ташхислаш сифати сезиларли даражада яхшиланиши асосланган;

қалқонсимон без ҳосилаларини мультипараметрли ультратовуш текширувида компрессион ва силжиш тўлқинли эластография усуллари қўлланилиши тасвирларни баҳолашда ўзининг юқори самодорлигини исботланган;

қалқонсимон без ҳосилаларида инвазив ташхисотида ультратовуш навигацияси натижасида зарарланган ўчоқ тўқимасининг эластиклиги аниқланган ҳолда, ингичка игнали аспирацион биопсияда биоптат олиш жойини танлаш тартиби оптималлаштирилган ва бажарилиши асосланган;

қалқонсимон без саратонида регионар лимфа тугунларининг метастазли зарарланишининг эластографик ва доплерографик ультратовуш белгилари семиотикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган мультипараметрик ультратовуш текшируви ташхисоти қалқонсимон без тугунларининг инвазив бўлмаган визуал қиёсий ташхисини қўйиш имконини берган;

қалқонсимон без тугунли ҳосила ўзгаришлари ҳолатини батафсил аниқлаш учун эластография технологиясининг имкониятлари очиб берилган;

қалқонсимон без ўчоқли ҳосилаларини ультратовушли семиотикаси батафсил ёритилган ва ИИАБ учун аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, радиологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида қалқонсимон без ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қалқонсимон без тугунларини ташхислаш ва даволаш хусусиятларини такомиллаштириш, кўп параметрли ультратовуш ташхисотининг тавсия этилган усуллари, терапевтик ва реабилитация тадбирларини белгилаш ва даволаш курсидаги ўзгаришлар динамикасини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлган тугунли ҳосилаларни ноинвазив кўриниши хусусиятларини, шунингдек, қалқонсимон без

касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий назарий асосларини яратилганлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастур кулранг шкала эхографияси, доплер ультратовуш маълумотлари, шунингдек, компрессияли эластографияси ва силжиш тўлқинли эластографияси натижаларини стандартлаштиришга ёрдам бериши орқали қалқонсимон без ўчоқли касалликларини ташхислашда оилавий поликлиникаларда бирламчи ташхислашда, шунингдек туман ва вилоятларнинг марказий поликлиникаларининг онкологик, эндокринологик ва радиологик бўлимларида амалий ташхислашда қўллаш ва самарали тактик даволаш тартибини шакллантириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қалқонсимон беzi ўчоқли касалликларини мультипараметрик ультратовуш ташхисотини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

қалқонсимон без тугунли ҳосилаларида соноэластографияси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Қалқонсимон без тугунли ҳосилаларида соноэластография усулини қўлланилиши» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/522-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қалқонсимон бездаги тугунли ҳосила касалликлари прогнози мезонларини унификация қилиш, нуқсонли ўзгаришларни текширишни барқарорлаштириш, ташхислаш сифатининг ижобий кўрсаткичини 85,9 % дан 91,2 % гача ошириш имконини берган;

қалқонсимон без тугунларининг ультратовуш диагностикаси сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали, «PARENTS HOLIDAY» МЧЖ ва «МЕДФАЙТЕМ» МЧЖ хусусий шифохоналарида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 декабрдаги 8н-з/259-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиниши қалқонсимон без тугунли касалликларини эрта ва аниқ ташхислаш, мультипараметрли ультратовуш текшируви 89,2% ҳолларда аутоиммун тиреоидит, 91,6% ҳолларда қалқонсимон без аденомаси ташхислаш, 86,7% ҳолларда папилляр, фолликуляр, медуляр ва пастдифференциаллашган саратон белгиларини ташхислаш натижасида беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қалқонсимон без касалликларининг мультипараметрик ультратовуш ташхисотининг замонавий талқини»** биринчи бобида қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликларининг эпидемиологияси, этиологияси, комплекс диагностикаси ҳақида маълумотлар берилган. Қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликларини эрта ташхислашнинг долзарблиги тўғрисида хулоса келтирилган.

Диссертациянинг **«Қалқонсимон без касалликларининг мультипараметрик ультратовуш ташхислашнинг клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида қалқонсимон безнинг ўчоқли касалликлари билан оғриган беморларнинг хусусиятлари асосида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда комплекс, клиник-инструментал, лаборатория, морфологик тадқиқот усулларида текширилади. Бобда ўрганилаётган беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, тадқиқотда қўлланиладиган усуллар ҳақида маълумотлар мавжуд.

2016-2019 йиллар давомида РИОваРИАТМ Тошкент вилояти филиалида, Тошкент шаҳридаги «PARENTS HOLIDAY» МЧЖ, «МЕДФАЙТЕМ» МЧЖ хусусий клиникаларига ва ТХКМРМ Онкология УТТ курси кафедрасига амбулатор мурожаат қилган ва ётқизилган қалқонсимон без тугунлари билан оғриган 120 нафар беморнинг клиник ва эхографик истиқболли тадқиқотлари материаллари таҳлил қилинди.

Беморларни тадқиқот ва объектив назоратга жалб қилиш учун лаборатория ва инструментал текширишнинг стандарт ва махсус усуллари қўлланилган. Барча беморлар кенг қамровли текширувдан ўтказилди, унга қуйидагилар киради: шикоятларни тўлиқ тўплаш, анамнез, беморларнинг лаборатория тадқиқотлари (эркин Т3, Т4, ТТГ ва АТ-ТПО). Барча беморлар ультратовуш текширувидан ўтказилди ва кўрсатмаларга кўра бўйиннинг рентгенограммаси, МСКТ текшируви, қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларининг морфологик тадқиқотлари ўтказилди.

Биз ўрганган гуруҳларда, кекса ёшдаги беморларда қалқонсимон бездаги хавфли жараёнларнинг кўпайиши тенденцияси кузатилди. Беморлар 4 гуруҳга

бўлинган: 1-гурух 10 мм дан кичик тугунлар (n=30), 2-гурух 10 мм дан катта тугунлар (n=30), 3-гурух хавфсиз тугунлар (ИИАБ дан кейин операция қилиниб цитологик натижалар манфий бўлган беморлар (n=30)), 4-гурух - хавфли тугунлар (ИИАБ дан кейин тасдиқланиб, операция қилинган беморлар (n=30)). Гурухлар бўйича соноэластография усуллари (Астериа, Раго мезонлари) киритиш билан мураккаб ультратовуш усуллари технологияси очиб берилган. Тугуннинг қаттиқлиги индекси (Strain Ratio) аниқланди. Барча ҳосилалар TI-RADS таснифи бўйича баҳоланди. Қалқонсимон безнинг яхши ва хавфли тугунлари бўлган беморларнинг кўпчилигида эутироидизм аниқланган. Мақсадли ИИАБ CORAZOR (Германия) фирмасининг «UROMED BIOPSIE» қурилмасида, G 18-20 игналарида амалга оширилди.

Усулларнинг диагностик қийматини баҳолашда сезгирлик, ўзига хослик, мусбат ва манфий корреляция кўрсаткичлари t-Стюдент мезонлари, Чедокка шкаласи бўйича ўрганилди. Статистик ишлов беришни амалга ошириш учун олинган маълумотлар IBM SPSS, JAMOVИ дастурлари ва EXCEL электрон жадваллари асосида яратилган махсус мўлжалланган маълумотлар базасига киритилган.

Диссертациянинг «Қалқонсимон без ўчоқли ҳосилалари эхографик тадқиқотлар натижалари» деб номланган учинчи бобда беморларни мураккаб диагностика усуллари билан текшириш натижалари келтирилган - кулранг шкаланинг ҳақиқий режимида визуализацияни таъминлаш, доплер тадқиқотлари (рангли доплер, энергетик доплер ва спектрал доплер) ва эластография хусусиятларини олиш (компрессияли ва силжиш тўлқинли).

Тадқиқот жараёнида беморнинг текширув вақтидаги оғирлигини ҳисобга олган ҳолда ҳажми бўлақлар бўйича ва умумий ҳажми ҳисоблаш билан қалқонсимон без кўрсаткичларининг классик ўлчови қўлланилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Қалқонсимон без ҳажмининг ультратовуш тавсифи

		1-гурух	2-гурух	3-гурух	4-гурух	Назорат гуруҳи
Ўнг бўлаги	Қалинлиги мм	20,3±0,36***	29,6±1,91****^	40,6±3,54****^&&	39,4±5,8****^	16,7±0,14
	Кенглиги мм	18,6±0,35***	26,3±1,62****^	34,2±4,01****^&	34,9±5,6****^	15,0±0,20
	Узунлиги мм	52,2±0,81***	62,1±1,59****^	70,0±2,99****^&	70,9±5,3****^	47,3±0,70
	Ҳажми см/3	10,5±0,56***	29,3±4,44****^	60,1±11,2****^&&	60,0±21,6****^	6,3±0,21
Чап бўлаги	Қалинлиги мм	20,4±0,31***	31,6±2,48****^	24,7±1,3****^&	25,9±1,07****^&	16,9±0,13
	Кенглиги мм	18,5±0,34***	27,8±1,94****^	22,7±1,1****^&	23,7±0,94****^	15,1±0,19
	Узунлиги мм	51,8±0,76***	62,3±1,64****^	58,2±1,2****^&	61,6±1,4****^	47,1±0,70
	Ҳажми см/3	10,3±0,51***	36,1±6,44****^	19,3±3,4****^&	20,5±2,1****^&	6,3±0,21
Бўйинча қалинлиги мм		4,4±0,12***	6,3±0,12****^	7,2±0,20****^&&	7,6±0,29****^&&&	3,3±0,10
Умумий ҳажм см/3		20,8±1,1***	65,4±6,58****^	84,7±12,4****^	80,5±21,0****^	12,5±0,41


Вазн кг	68,8±2,2	72,0±1,9	69,1±2,1	65,1±2,3 <sup>&amp;</sup>	66,1±2,6
Вазнига нисбат см <sup>3</sup> /кг	0,31±0,02 <sup>***</sup>	0,89±0,08 <sup>***^^^</sup>	1,2±0,16 <sup>***^^^</sup>	1,26±0,33 <sup>***^&amp;</sup>	0,19±0,003

Изоҳ: \*-назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (\*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)  
 ^- 1-гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (^-P<0,05; ^^P<0,001) &- 2-гуруҳ билан сезиларли даражада солиштирилди (&-P<0,05; &&-P<0,01; &&&-P<0,001)

1-жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқот доираси баъзи қонуниятларни аниқлаш имконини берди. Шундай қилиб, 1-гуруҳда қалқонсимон безнинг ҳар бир кўрсаткичида назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли ўсиш кузатилади, 2-гуруҳда кўрсаткичларнинг ўсиши 1-гуруҳга ва назоратга нисбатан ортади, мос равишда 3 ва 4-гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг ҳам ўсиши кузатилади (P<0,001).

Тадқиқотда шунингдек, ҳосила контурлари, эхогенлиги, эхоструктураси, шакли ва кальцинатлар мавжудлиги каби кўрсаткичлари ўрганилди. Ушбу кўрсаткичларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, тугунли ҳосилалар TI-RADS таснифига мувофиқ фарқланди. 2-жадвалда беморларнинг TI-RADS турлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

1-гуруҳдаги барча беморларда тугунлар TI-RADS 2, 2-гуруҳда беморларнинг катта қисми — 25 (83,3%) TI-RADS 3 ва 2 бемор TI-RADS 4 учун таснифланган. 2-гуруҳдан фақат 3 (10%) бемор қалқонсимон бездаги тугунлар TI-RADS 2 деб таснифланган. 3-гуруҳда ҳам TI-RADS 3 бўйича тугунлар бўлган — 17 (56,7%) ҳолатда, TI-RADS 5 бўлган 9 (30%) беморда ва TI-RADS 6 бўлган 3 беморда. 4-гуруҳ ўчоқли ҳосилалар TI-RADS 5 ва TI-RADS 6, 14 (46,3%) ва 16 (53,7%) да тақсимланган (1-расмга қаранг). TI-RADS таснифи бўйича тугунларнинг натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, TI-RADS 2-3 эхограммалари таснифланганда, кейинчалик ҚБС ташхиси қўйилган. Бу шуни кўрсатадики, техникалар қўшимча юқори технологияли текшириш усулларига муҳтож.



**1-расм. Тугунли ҳосилаларнинг турлари бўйича TI-RADS таснифига мувофиқ тақсимланиши**

Ҳосилалар ҳажмига қараб РДХ қон оқимининг тақсимланиши маълумотлари берилган. Гуруҳдан гуруҳга ва 4-клиник гуруҳда РДХ ва ЭДХ режимларида қон оқимининг сезиларли даражада ортиши 100% аниқланди. Клиник гуруҳлар учун спектрал доплер ёрдамида максимал систолик тезликнинг қийматлари беморларда пролифератив ўзгаришларнинг оғирлигига қараб, аста-секин ўсиб боради (2-жадвалга қаранг).

1-клиник гуруҳдаги беморларда максимал диастолик тезлик 4-клиник гуруҳдаги (қалқонсимон без саратони) беморларда МДҚО дан 2,3 баравар паст — мос равишда  $25,7 \pm 0,39$  см/с ва 1-гуруҳда  $11,4 \pm 0,51$  см/с. 2-гуруҳ ва 3-гуруҳдаги МДҚО бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилди (мос равишда  $13,7 \pm 0,39$  см/с ва  $18,7 \pm 1,1$  см/с) ва биринчи гуруҳга қараганда сезиларли даражада юқори эди. Таққослаш гуруҳлари ўртасида ПИ жадал пасайиши кузатилмоқда, бу сезиларли қийматларга эга, шунинг учун 2-гуруҳдаги беморларда у  $0,80 \pm 0,016$ , 3-гуруҳда  $0,68 \pm 0,03$  ва 4-гуруҳда  $0,46 \pm 0,004$  бўлиб, бу кўрсаткичга нисбатан пульсацион индексни 2,19 марта пастлиги аниқланди.

Спектрал доплер текшируви ўрганилаётган томирларда периферик қон томир қаршилигининг 1 дан 4 клиник гуруҳгача пасайишини аниқлади. Биринчи гуруҳда қаршилиқ индекси  $0,63 \pm 0,009$ , 2да —  $0,56 \pm 0,008$ , 3да —  $0,50 \pm 0,016$  ва 4да —  $0,37 \pm 0,003$  ни ташкил этди. 1 ва 4 клиник гуруҳлар ўртасида индекс резистентликда икки баравар фарқ аниқланди ( $p < 0,001$ ).

## 2-жадвал


### Гуруҳлар буйича спектрли доплер кўрсаткичлари

		Назорат гуруҳи	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	4-гуруҳ	
Спектрли доплер	МСҚО см/сек	min	$11,5 \pm 0,19$	$19,3 \pm 0,68^{***}$	$27,8 \pm 0,68^{*****}$	$32,6 \pm 1,2^{*****\&\&}$	$38,3 \pm 0,69^{*****\&\&}$
		max	$16,5 \pm 0,26$	$27,4 \pm 1,1^{***}$	$30,1 \pm 0,56^{****}$	$34,5 \pm 1,2^{*****\&\&}$	$40,0 \pm 0,68^{*****\&\&}$
	МДҚО см/сек	min	$3,8 \pm 0,08$	$7,1 \pm 0,27^{***}$	$12,1 \pm 0,39^{*****}$	$16,6 \pm 1,1^{*****\&\&}$	$23,9 \pm 0,42^{*****\&\&}$
		max	$6,4 \pm 0,11$	$11,4 \pm 0,51^{***}$	$13,7 \pm 0,39^{****}$	$18,7 \pm 1,1^{*****\&\&}$	$25,7 \pm 0,39^{*****\&\&}$
	ИР	min	$0,61 \pm 0,003$	$0,58 \pm 0,007^{**}$	$0,54 \pm 0,008^{****}$	$0,47 \pm 0,014^{*****\&\&}$	$0,35 \pm 0,003^{***\&\&}$
		max	$67 \pm 0,003$	$0,63 \pm 0,009^{***}$	$0,56 \pm 0,008^{****}$	$0,50 \pm 0,016^{*****\&\&}$	$0,37 \pm 0,003^{*****}$
	ПИ	min	$0,88 \pm 0,007$	$0,83 \pm 0,015^*$	$0,75 \pm 0,016^{****}$	$0,62 \pm 0,024^{*****\&\&}$	$0,43 \pm 0,005^{*****}$
		max	$1,01 \pm 0,008$	$0,92 \pm 0,02^{***}$	$0,80 \pm 0,016^{****}$	$0,68 \pm 0,03^{*****\&\&}$	$0,46 \pm 0,004^{*****}$

Шундай қилиб, доплер ультратовуш текшируви барча ҳолатларда қалқонсимон без саратонининг ишончли белгиларини аниқламайди, аммо у ўз вақтида тугунли ҳосилаларнинг дегенерациясига шубҳа қилиш ва ўсимта турини — томирлар тармоғи яхши ривожланган ва интенсив қон билан таъминланган ёки "кам томирли" ўсма эканини баҳолаш имконини беради.

Шунингдек, биз қалқонсимон без касалликлари бўлган беморларда компрессияли эластографияси ва силжиш тўлқинли эластографиясини ўз ичига олган ҳолда эластография техникасининг маълумотлар мазмунини таҳлил қилдик. Олинган натижаларни таҳлил қилиш қалқонсимон без касалликлари диагностикаси учун энг муҳим бўлган ЭГ сифат мезонларини аниқлашга имкон берди. Асосий сифатли дифференциал диагностика мезони атрофдаги тўқималарга нисбатан тугунли ҳосилаларнинг эластиклигини тақсимлашнинг ўзгариши эди.

Кенг қамровли текширувда эластография техникасидан фойдаланиш қалқонсимон без касалликлари диагностикаси учун энг муҳим бўлган ЭГ нинг сифат мезонларини аниқлаш имконини берди. Тадқиқотда 5 турдаги паттерни ўз ичига олган стандарт Раго таснифи қўлланилган.



**2-расм. Гурӯҳларда эластотипнинг учраш частотаси**

Биринчи турдаги паттерн фақат биринчи гурӯҳда — 56,7% да (30 та ҳолатдан 17 тасида) аниқланган ва қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларининг бир хил эластиклиги билан тавсифланган. Эластограмманинг иккинчи тури яхши сифатли ҳосилаларда, учинчи тур — ҳам яхши, ҳам ёмон сифатли ҳосилаларда учради. Эластограммаларнинг тўртинчи ва бешинчи турлари — паттерн ранги ёмон сифатли ҳосилаларни кўрсатади. Хавфли ўсмаларнинг эластограммаларининг тасвирлари яхши сифатли ўсмалардан юқори зичликдаги ўчоқларни кўриш ва ўчоқлар периферияси бўйлаб аниқ инфильтрация билан ажралиб турарди. Хавфли ўсмаларда учинчи гурӯҳдаги беморларда 9 (30%) ҳолатда тўртинчи турдаги эластограмма, алоҳида ҳолатларда эса — 3 (10%) — бешинчи турдаги. 4-гурӯҳда эластографик нақшлар бешинчи ва тўртинчи турлар ўртасида тақсимланган ва паттернлар ранг палитрасининг ёмон сифат белгилари фойдасига аниқ ўзгариши билан тавсифланган. Бизнинг тадқиқотимизда, шунингдек, ЭГ сезгирлиги шаклланиш диаметри 0,3-1,0 см ва 1,1-2,0 см бўлган беморлар гурӯҳида ошганлиги ва диаметри 2,1см дан ортиқ бўлган беморлар гурӯҳида сезиларли

даражада камайганлиги аниқланди ( $p \leq 0,005$ ). 2,5 см дан каттароқ ҳосилалар ҳолатида тўғри эластограммаларни олиш қийин эди, чунки у қизиқиш майдонининг катта қисмини эгаллаган; шунга кўра, ЭГ ўтқизиш методологияси бузилган.

Дифференциал диагностика учун фақат ўчоқли ҳосилаларнинг сифатли баҳолашни ўрганиш етарли эмас эди. Шунинг учун, биз ўз тадқиқотларимизда ўзгартирилган тўқималарни миқдорий баҳолашни ҳам амалга оширдик. Бизнинг ишимизда деформация нисбати индекси Strain-Ratio (деформация коэффиценти) асос қилиб олинади, бу эластик зонага нисбатан қаттиқ зонанинг неча марта кучсизроқ сиқилганлигини акс эттиради.

3-жадвалда Strain -Ratio деформация индексининг ўзгариши кўрсатилган: беморларнинг биринчи гуруҳида ушбу кўрсаткичларининг минимал қиймати  $-3,4 \pm 0,09$ , максимал қиймати эса  $4,2 \pm 0,12$  ни ташкил этди. Ушбу қийматлар «йўлаги» қаттиқ зонанинг деформацияси ва эластик зона ўртасидаги кичик фарқни кўрсатади.

### 3-жадвал

#### Қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларининг деформация коэффиценти текширилган гуруҳларда акс эттириш

КЭГ индекс Strain-ratio у.е.	қиймати	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	4 гуруҳ	Назорат гуруҳи
min		$3,4 \pm 0,09^{**}$	$7,2 \pm 0,22^{***}$	$11,65 \pm 1,4^{***\wedge\wedge}$	$23,9 \pm 0,85^{***\wedge\wedge\&}$	$1,3 \pm 0,03$
max		$4,2 \pm 0,12^{**}$	$8,2 \pm 0,24^{***}$	$12,8 \pm 1,5^{***\wedge\wedge\&}$	$25,5 \pm 0,86^{***\wedge\wedge\&}$	$1,7 \pm 0,03$

Изоҳ: \*-назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ ); ^-1-гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (^-  $P < 0,05$ ; ^^- $P < 0,01$ ; ^^^- $P < 0,001$ ); &-2-гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (&- $P < 0,05$ ; &&- $P < 0,01$ ; &&&- $P < 0,001$ ) о-3-гуруҳ билан солиштирганда сезиларли (о-  $P < 0,001$ )

Гуруҳдан гуруҳга минимал ва максимал қийматлар оралиғини торайтиришга эътибор қаратилади, бу қалқонсимон бездаги ўчоқли ҳосилалар яқинида қалқонсимон тўқималарнинг эластиклигининг пасайишини ва ўчоқнинг ўзида қаттиқликнинг ошишини кўрсатади. Дифференциал ташхис қўйиш ва қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилалар ҳолатини тўлиқроқ баҳолаш учун силжиш тўлқинли эластографиясидан фойдаланган ҳолда ҳар бир гуруҳдаги маълумотларнинг қиёсий таҳлилини ўтқизиш керак.

Ҳозирги вақтда қалқонсимон безнинг «силжиш тўлқинли» эластографиясини клиник қўллаш бўйича амалий тавсиялар мавжуд эмас, қалқонсимон безнинг ўзгармаган тўқималари, яхши ва ёмон сифатли тугунлар учун Юнг модулининг аниқ, бирлаштирилган кўрсаткичлари мавжуд эмас.

Тадқиқотларимизга силжиш тўлқинли эластография техникасини киритиш кПа даги Юнг модули бўйича тўқималарнинг қаттиқлигини баҳолашни миқдорий хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ёмон сифатли тугунли ҳосилаларда қаттиқлик кўрсаткичлари кенг диапазонда ўзгариб туради (4-жадвалга қаранг).

1-гурухда минимал кўрсаткич —  $19,1 \pm 0,55$  кПа, максимал  $-24,9 \pm 0,83$  кПа қалқонсимон безнинг яхши сифатли тугунли ҳосилалари учун хосдир, 2-гурухда қаттиқлик оралиғи  $55,1 \pm 1,075$  кПа, минимал —  $52,5 \pm 1,075$  кПа, максимал —  $57,7 \pm 1,15$  кПа, аммо минималдан ўртача қийматгача бўлган оралиқларда бўлган бу эластиклик кўрсаткичлари қалқонсимон без саратонини тахмин қилишимизга имкон бермади. Юқоридаги қийматлар оралиғига киритилган эластиклик кўрсаткичлари (ўртача қийматлар билан —  $55,1 \pm 1,075$  кПа дан  $57,7 \pm 1,15$  кПа гача); ўтиш соҳаси бўлиб, «силжиш тўлқинли» эластографияси ёрдамида қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларида пролифератив ўзгаришларнинг дифференциал ташхисини мураккаблаштиради.

#### 4-жадвал

#### Қалқонсимон без ўчоқли ҳосилаларида қаттиқлик диапазони баҳолаш

Силжиш тўлқинли эластография кПа	қиймати	1 гуруҳ	2 гуруҳ	3 гуруҳ	4 гуруҳ	Назорат гуруҳи
Min		$19,1 \pm 0,55^*$ **	$52,5 \pm 1,0^{***\wedge\wedge}$	$87,6 \pm 9,8^{***\wedge\wedge\&}$ &	$170,2 \pm 3,1^{***\wedge}$ ^^&&&o	$7,5 \pm 0,16$
Max		$24,9 \pm 0,83^*$ **	$57,7 \pm 1,15^{***\wedge}$ ^^	$94,3 \pm 10,1^{***\wedge\wedge}$ &&	$176,2 \pm 3,0^{***\wedge}$ ^^&&&o	$14,5 \pm 0,56$

Изоҳ: \*-назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ ), ^-1-гурух кўрсаткичлари билан солиштирганда муҳим (^-  $P < 0,05$ ; ^^- $P < 0,01$ ; ^^^- $P < 0,001$ ); &-2-гурух кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли (&- $P < 0,05$ ; &&- $P < 0,01$ ; &&&- $P < 0,001$ ), o -3-гурух билан солиштирганда сезиларли ( $P < 0,001$ ).

Энг катта қийинчилик 3-клиник гуруҳдаги беморлар томонидан тақдим этилади, уларда силжиш тўлқинли эластографиясининг минимал қиймати  $87,6 \pm 9,8$  кПа, максимал қиймати  $94,3 \pm 10,1$  кПа га тенг бўлди. 3-гурухдаги тўқималарнинг эластиклигининг пасайиши қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларида малигнизация хавфини оширади. Ушбу алоҳида гуруҳдаги беморларга ИИАБ тавсия қилинди. 4-гурухдаги қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилалари тўқималарининг қаттиқлиги қуйидаги чегараларда ўзгариб турди: минимал —  $170,2 \pm 3,1$  кПа, максимал —  $176,2 \pm 3,0$  кПа, медиана —  $173,2 \pm 3,05$  кПа, бу қалқонсимон без саратони бўлиши юқори эҳтимолини кўрсатади.

Диссертация тадқиқоти доирасида биз қалқонсимон без гормонларининг концентрацияси ва қалқонсимон безнинг шикастланиш даражаси ўртасидаги дастлабки боғлиқликни аниқлаш учун қалқонсимон без гормонлари даражасини ўргандик. Ҳар бир клиник гуруҳда қалқонсимон безнинг функционал фаоллигини аниқлаш учун биз эркин Т3, Т4, ТТГ ва АТ-ТПО каби гормонларни текширдик. Тадқиқот натижаларига кўра, барча гуруҳларда гипертиреоз билан оғриган беморлар йўқ эди. Беморларни гуруҳларга бўлиш: манифест гипотиреоз, субклиник гипотиреоз ва гипотиреозсиз беморлар қон зардобидидаги ТТГ ва эркин Т4 нисбатига асосланди (5-жадвалга қаранг).

#### 5-жадвал

#### Гуруҳларда қалқонсимон без фаолияти

Тиреоид активлик	1 гуруҳ		2 гуруҳ		3 гуруҳ		4 гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Манифест гипотиреоз	1	3,3	7	23,3	9	30	12	40

Субклиник гипотиреоз	9	30	3	10	5	16,7	4	13,3
Гипотиреоз йўқ	20	66,7	20	66,7	16	53,3	14	46,7

Статистик ишлов бериш шуни кўрсатдики, манифест гипотиреоз ҳолатлари 3 ва 4 гуруҳларда сезиларли даражада тез-тез учрайди, улар мос равишда 9 (30%) ва 12 (40%) ни ташкил этди. Гуруҳдан гуруҳга ТТГ даражасининг ортиши билан қалқонсимон без гормонал ҳолатига эътибор қаратиш лозим, шунинг учун 1-гуруҳда максимал ТТГ қиймати 3,4 мМЕ/л, 4 гуруҳда эса 13,0 мМЕ/л эди (6-жадвалга қаранг).

**6-жадвал**

**Тиреоид гормонларнинг гуруҳларда ўзгариши**

	Гормонлар			
	Т4 нмоль/л (10,8 -22)	Т3 нмоль/л (1,2 – 3,1)	ТТГ мМЕ/л (0,3-4,2)	АТ-ТПО
1 гуруҳ (n=30)	1,1 (0,63±1,98)	1,76±0,82	3,15(2,25±4,18)	46,5(22,6±66,1)
2 гуруҳ (n=30)	9,08 (5,06±14,3)	2,52±1,52	2,65(1,30±6,10)	19,4(16,2±26,5)
3 гуруҳ (n=30)	11,6 (8,45±16,4)	3,06±1,73	2,92(1,89±10,5)	19,7(12,7±29,6)
4 гуруҳ (n=30)	8,25 (6,73±15,6)	3,43±1,97	4,25(2,70±15,4)	28,1(24,7±37,6)
Назорат гуруҳ (n=30)	1,50 (1,20±1,70)	2,50±0,67	2,90(1,92±3,20)	9,50(6,10±11,8)
<b>P</b>	P<0,001 P1-2<0,001 P1-3<0,001 P1-4<0,001 P1-5=0,640 P2-3=0,866 P2-4=1,000 P2-5<0,001 P3-4=0,825 P3-5<0,001 P4-5<0,001	P<0,001 P1-2=0,206 P1-3=0,003 P1-4<0,001 P1-5=0,002 P2-3=0,494 P2-4=0,094 P2-5=0,624 P3-4=0,945 P3-5=0,965 P4-5=0,484	P=0,023 P1-2=0,987 P1-3=0,980 P1-4=0,181 P1-5=0,207 P2-3=0,799 P2-4=0,084 P2-5=0,991 P3-4=0,810 P3-5=0,853 P4-5=0,018	P<0,001 P1-2=0,002 P1-3=0,003 P1-4=0,457 P1-5<0,001 P2-3=0,985 P2-4=0,001 P2-5<0,001 P3-4=0,023 P3-5<0,001 P4-5<0,001

1-гуруҳда ТТГнинг ўртача қиймати 3,4±0,24\*, 4-гуруҳда эса 13,0±3,2\*<sup>^^</sup>&. Қонда Т4 даражаси ҳам ортиб боради. 1-гуруҳда қондаги Т4 концентрацияси нормал қийматлардан ошмади ва ўртача 1,3±0,11 ни ташкил этди. 2, 3 ва 4-гуруҳларда Т4 концентрацияси сезиларли ўсиши 2-гуруҳда 11,8±3,3\*<sup>^^</sup>, 3 ва 4-гуруҳларда мос равишда 18,5±5,5\*<sup>^^</sup> ва 15,9±4,0\*<sup>^^</sup>. 3 ва 4 гуруҳлардаги Т4 ва ТТГ гормонлари даражасидаги дисбаланс аллақачон манифест гипотиреознинг декомпенсациясини кўрсатади.

Биз ИИАБ дан кейин қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларини цитологик ва гистологик тадқиқотини ўтказдик. Самарали диагностика нуқтаи назаридан қалқонсимон без ўсмаси борлиги ҳақидаги тахминни тасдиқловчи цитологик тадқиқот натижалари энг мақбул бўлди.

ИИАБ 2-гуруҳдаги 30 (100%) ва 3-гуруҳдаги 30 (100%) беморларда амалга оширилди (3-расмга қаранг). Олинган натижаларни таҳлил қилганда, 2-гуруҳда беморларнинг ярмида 15 (50%) метапластик цилиндрик эпителий текширилганлиги аниқланди. 7 (23,3%) беморда пролифератив тироцитлардан


хужайралар безли эпителий шаклида топилган. 3 (10,0%) беморда оралик ясси эпителий бўлган. Микрофолликулали аденома 2 (6,7%) беморда, атипиясиз 3 (10,0%) нафар беморда қайд қилинган.



**3-расм. Қалқонсимон безнинг ўчоқли ҳосилаларининг цитологик текшируви натижалари**


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қалқонсимон без тугунларнинг мақсадли ИИАБси қалқонсимон безнинг ўсмали зараланишини фаол қидиришда самарали бўлади, аммо ультратовуш текшируви билан қалқонсимон безнинг яхши сифатли тугунлари ва қалқонсимон без саратони ташхисига бўлган ёндашувимизни пайпасланмайдиган ҳосилаларда ҳам эрта ташхисни яхшилаш, қиёсий баҳолаш сезиларли даражада эканлигини кўрсатади.

